

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги хузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги
директори ўринбосари



[Handwritten signature]

Н. Муҳаммадиев

2020 йил 24 июль

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини
ошириш маркази директори



[Handwritten signature]

А. Раҳматов

2020 йил 24 июль

**“ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ
ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ”**

ўқув курси бўйича

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(малака ошириш)

ТОШКЕНТ-2020

Ўқув дастури Юристлар малакасини ошириш маркази
Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил
28 июлдаги йиғилишида муҳокама қилинган
ва маъқулланган (1-сонли баённома).

Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил “24” январдаги 05-1113-сон
Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
кошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта
тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га
асосланиб тайёрланган.

Тузувчилар: Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, доцент
С. Марипова;
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги Кадрлар бошқармаси
бошлиғи **А. Аҳмедов;**
Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш
бўлими бошлиғи **Ш. Хасанов.**

Такризчилар: Юристлар малакасини ошириш маркази директорининг
биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор **А. Отажонов;**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги ФХДЁ бўлими бошлиғи
Х.Насимов.

СЎЗ БОШИ

“Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курси бўйича Ўқув дастури фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларининг (мудирлар ва инспекторлар) малакасини оширишга мўлжалланган.

Ўқув дастурида соҳа йўналишига оид машғулотларида бу ходимларнинг билим доирасини кенгайтириш, ўзлаштирган назарий билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлаш назарда тутилган.

“Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курсининг мақсади: тингловчиларга Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари, янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва ҳуқуқни қўллашнинг замонавий талаблари, бу органлар фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда мазкур фаолиятнинг ташкилий ва психологик асослари бўйича янгиликлар ва истиқболлар ҳақида назарий билимлар бериш ва уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмалари ҳосил қилиш.

Ўқув курсининг долзарблиги. “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курси тингловчиларнинг қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши; Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг асосий касбий йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишига замин яратади.

Тингловчилар контингенти – ўқув дастури Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларининг малакасини оширишга мўлжалланган.

Дастлабки талаблар: тингловчилар олий юридик ва ўрта-махсус маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўқув курсининг ҳажми: ишдан ажралган ҳолда малака оширишнинг муддати камида 2 икки ҳафта (72 соат) этиб белгиланади.

Ўқитиш шакли: тўғридан-тўғри малака ошириш ёки масофавий таълим.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:

Умумий малака талаблари

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;
ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллаш билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;
юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

юридик муаммоларни ҳолислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Касбий малака талаблари

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

туғилиш, ўлиш, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш, фамилия, исм ва ота исминини ўзгартириш каби ҳодиса ҳамда фактларни кенг қамровли қайд этиш йўли билан фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлай олиш;

энг муҳим юридик фактларни қайд этмасдан қолдириш оқибатларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришга оид билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

ИЗОҲ ХАТИ

Дастур мазмунининг янгилиги: Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил “24” январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 июндаги ПҚ-3785-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 498-сон қарорида белгиланган талабларга мос келади.

Дастурнинг концептуал ғояси: тингловчи Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг асосий касбий йўналишлари бўйича янги маълумотларга эга бўлиши лозим.

Ўқув дастури мазмунини белгилаш тамойиллари: Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятинининг қонун устуворлиги, мустақиллиги ва бошқа демократик тамойиллари асосида амалга оширилиши.

Қонунчиликдаги янгиликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалалари Буюртмачи ташкилот билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Ишчи ўқув дастури орқали ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми: ўқув курсини ўрганиш учун 72 соат ажратилган. Аудитория машғулотлари: маъруза – 34 соат, семинар – 14 соат, амалий машғулотларга – 18 ва якуний синовлар учун 6 соат ажратилган.

**“Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари
ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курсидан
МАВЗУЛАР РЕЖАСИ**

№	Модуль ва мавзулар номи	Машғулотларга ажратилган соатлар			
		Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Жами
<i>1-Модуль. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари</i>					
1.	Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари	2	-	-	2
2.	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари	2	-	-	2
3.	Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	2	-	-	2
4.	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг мазмун ва моҳияти	2	-	-	2
<i>2-Модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти</i>					
5.	Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмун ва моҳияти	2	-	-	2
6.	Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2019 йил 2 сентябрдаги қонуннинг мазмун-моҳияти	2	-	-	2
7.	Оилани мустаҳкамлашга доир ҳуқуқий сиёсатнинг устувор йўналишлари, соҳа қонунчилигини такомиллаштириш масалалари	2	-	-	2
8.	Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш тартиби ва асослари	-	2	-	2
9.	Ўзбекистон Республикасида васийлик ва хомийлик масалалари: ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти	-	2	-	2
10.	Ўзбекистон Республикасининг шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг талабларини амалда қўлланилишини таъминлаш	2	-	-	2
11.	Ўзбекистон Республикасида медиацияни ҳуқуқий асослари, қўллашнинг хусусиятлари ва оқибатлари	2	-	-	2

3-Модуль. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва ҳуқуқни қўллашнинг замонавий талаблари					
12.	Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими	2	-	-	2
13.	Давлат хизматларини кўрсатишда жорий этилган соҳага тегишли бўлган янгиликлар ва уларни амалиётда тадбиқ этиш жараёни юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари	-	2	-	2
14.	ФХДЁ органларида иш юритиш тартиблари ва шартлари	-	-	2	2
15.	ФХДЁ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда профилактик тадбирларни амалга оширишнинг мазмун ва моҳияти	-	2	-	2
16.	Гербли гувоҳномаларни сақлаш, сарфлаш ва ҳисоботини олиб бориш юзасидан ФХДЁ органлари мудирларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги	-	-	2	2
17.	ФХДЁ органлари ягона электрон базаси бўйича Давлат персоналлаштириш марказига ҳужжатларни юборишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари	-	-	2	2
18.	Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан боғлиқ фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш тартиби ва асослари	-	2	-	2
19.	Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш масалалари	2	-	-	2
20.	Болани фарзандликка олиш ҳақидаги суд қарорларини ижро этиш	-	-	2	2
21.	Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари	2	-	-	2
22.	Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд ФХДЁ органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни маъмурий судда кўриш	-	2	-	2
23.	Ўзбекистон Республикасининг чет элда яшовчи фуқароларига нисбатан фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари амалга ошириш тартиби ва шартлари	2	-	2	4
24.	Никоҳни расмийлаштиришда (шу жумладан чет эл фуқаролари иштирокида) Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси нормаларини қўллаш хусусиятлари	2	-	2	4
25.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти	-	-	2	2
4-Модуль. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг самарали фаолиятини таъминлаш					
26.	Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ФХДЁ органларининг ўрни	2	-	-	2
27.	Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёлларнинг ҳуқуқ ва	2	-	-	2

	имкониятларини кенгайтириш масалалари				
28.	ФХДЁ органлари фаолиятида халқаро-ҳуқуқий ёрдам	2	-	-	2
5-Модуль. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг ташкилий ва психологик асослари					
29.	Юридик этика ва унга оид халқаро стандартлар ҳамда миллий меъёрлар	-	2	-	2
30.	Никоҳ-оила муносабатлари психологияси	-	-	2	2
31.	ФХДЁ органлари ходимларининг фаолиятида мулоқот психологияси	-	-	2	2
	Яқуний синовлар	-	-	6	6
	Ж А М И:	34	14	24	72

ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

1-Модуль. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари

1-Мавзу. Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Фуқаролик жамиятининг тушунчаси ва юридик табиати. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда – фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли. Конституция ва қонун устиворлигининг муҳимлиги ва аҳамияти. Қонун устиворлигини таъминлаш – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим мезони. Қонунлар ижросини таъминлашнинг юридик, ижтимоий, маънавий ва социологик механизмлари. Қонунларни ҳаётга жорий этишда жамоатчилик назорати самарасини ошириш йўллари.

2-Мавзу. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари

Фуқаролик жамиятининг мазмун ва моҳияти. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва фаолиятини йўлга қўйиш. Фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ижтимоий шериклигини ривожлантириш йўллари.

3-Мавзу. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги

коррупцияга карши курашишга оид жиноятлар турлари, уларнинг таърифи ва судда кўриш амалиётининг долзарб масалалари.

4-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг мазмун ва моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари. Маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидалари. Маъмурий иш юритиш. Маъмурий ҳужжат. Маъмурий шикоят бўйича иш юритиш. Ижро ишини юритиш. Маъмурий регламентлар ва маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

2-Модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти

5-Мавзу. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмун ва моҳияти

Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизимини ривожлантириш. Қонунчилик тизимининг таркибий тузилиши ва таснифи. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси тизими. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида кўзда тутилган устувор йўналишлар. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўллари ва чора-тадбирлари. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссиясининг вазифалари.

6-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2019 йил 2 сентябрдаги қонуннинг мазмун-моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сонли “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти ва мақсади. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий ва яқка тартибдаги чора-тадбирлари ва уларни қўллаш асослари. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли орган ва

ташкilotлар билан фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш органларининг ҳамкорлиги. Ҳимоя ордери мазмуни, уни бериш ва унинг муддатини узайтириш тартиби. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар.

7-Мавзу. Оилани мустаҳкамлашга доир ҳуқуқий сиёсатнинг устувор йўналишлари, соҳа қонунчилигини такомиллаштириш масалалари

Оилани мустаҳкамлашга доир ҳуқуқий сиёсатнинг устуворлиги. Оилани мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий аҳамияти ва миллий хусусиятлари. Оилани мустаҳкамлашга доир давлатнинг ҳуқуқий сиёсати. Оилани мустаҳкамлаш устувор йўналишлари. Оила соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллаштириш масалалари. Оила муносабатларини таъминлашда Оила кодекси. Оила ҳуқуқларини таъминлашда алимент ва унинг ҳуқуқий асослари. Оила муносабатларида болани фарзандликка олиш.

8-Мавзу. Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш тартиби ва асослари

Фарзандликка олиш тартиби. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар. Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризага иловалар. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига қўшимча иловалар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига қўшимча иловалар. Чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш учун тўсиқлар. Судда фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

Фарзандликка олишни бекор қилиш.

9-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик масалалари: ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти

Васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийликни белгилаш, устидан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахснинг мол-мулкни сақлаш ҳамда бошқариш механизми ва етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари. Давлат органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари. Васийлик ва ҳомийликни белгилашда ҳамда васийлик ва ҳомийлик тайинлаш масалалари. Ота-онаси бор шахсга васий ёки

хомий белгилаш хусусиятлари. Васийлар ва хомийларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, васийликдаги ёки хомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари.

10-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг талабларини амалда қўлланилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунининг мақсади. Шахсга доир маълумотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тартиби. Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Низоларни ҳал этиш ва қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш.

11-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида медиацияни ҳуқуқий асослари, қўллашнинг хусусиятлари ва оқибатлари

Медиация тушунчаси, тамойиллари ва тарафлар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар. Суд ишларини тўхтатиб туриш. Давлат божи билан боғлиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти. Оилавий медиациясининг асосий хусусиятлари.

3-Модуль. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва ҳуқуқни қўллашнинг замонавий талаблари

12-Мавзу. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг яратилиши. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Давлат хизматлари йўналишида қабул қилинган қонунлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасида аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари ва уларнинг вазифалари. Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари.

13-Мавзу. Давлат хизматларини кўрсатишда жорий этилган соҳага тегишли бўлган янгиликлар ва уларни амалиётда тадбиқ этиш жараёни юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Давлат хизматларини кўрсатишда жорий этилган соҳага тегишли бўлган янгиликлар ва уларни амалиётда тадбиқ этиш жараёни юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар.

14-Мавзу. ФХДЁ органларида иш юритиш тартиблари ва шартлари

ФХДЁ органларида иш юритиш тартиблари ва шартлари. ФХДЁ органларида болани фарзандликка олишни расмийлаштириш. ФХДЁ органларида иш юритишда қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. ФХДЁ органларида иш юритишда юзага келаётган муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар. Никоҳдан ажралиш. Никоҳ ёши. Никоҳ шартномаси. Мерос. Оила кодекси, Оила институти. Оилани мустаҳкамлаш. Оила – муқаддас. Юридик ёрдам.

15-Мавзу. ФХДЁ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда профилактик тадбирларни амалга оширишнинг мазмун ва моҳияти

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда профилактик тадбирларни амалга оширишнинг мазмуни ва моҳияти.

16-Мавзу. Гербли гувоҳномаларни сақлаш, сарфлаш ва ҳисоботини олиб бориш юзасидан ФХДЁ органлари мудирларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги

Гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш ва уларни ҳисоботини олиб бориш юзасидан ФХДЁ органлари мудирларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги.

17-Мавзу. ФХДЁ органлари ягона электрон базаси бўйича Давлат персоналлаштириш марказига ҳужжатларни юборишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

ФХДЁ органларида мавжуд “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизимини такомиллаштириш ва уларни юритилишида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари.

18-Мавзу. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан боғлиқ фуқаролдик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш тартиби ва асослари

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан боғлиқ фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш тартиби, асослари ва ўзига хос жиҳатлари.

19-Мавзу. Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш масалалари

Оила муносабатларида қон-қариндошлик, Ота-она тушунчаси ва ҳуқуқлари. Ота-она мажбуриятлари. Эр-хотин мажбуриятлари ва ҳуқуқлари. Болаларнинг насл-насаби. Оила муносабатларини тартибга солишда насл-насабини белгилаш. Оила ва оилавий муносабат.

20-Мавзу. Болани фарзандликка олиш хақидаги суд қарорларини ижро этиш

Болани фарзандликка олиш. Суд қарори ва уларни ижро этиш. Суд қарорларини чиқаришда бола манфаатларини ҳисобга олиш. Оилавий Битим. Болага Васий белгилаш. Васият қолдириш. Васиятномани расмийлаштириш Васиқа. Никоҳ тузиш. Никоҳдан ажралиш. Никоҳ ёши. Оила кодексининг вазифалари. Оила институтини такомиллаштириш масалалари. Оилани мустаҳкамлашда суд органларининг вазифалари. Оила муносабатларини суд орқали кўришда маҳалланинг роли. Оила қонунчилиги.

21-Мавзу. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар, ўзгартиш ва қўшимчалар. Меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи нормаларнинг қўлланилиши. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда юридик хизматларнинг роли. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Меҳнат кодексида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларнинг судга ва судловга тааллуқлилиги. Меҳнатга оид низоли ишларда тарафлар ва улар иштирокининг ўзига хос хусусиятлари. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларни иштирок этиш хусусиятлари. Меҳнатга оид ишлар бўйича исботлаш ва далиллар. Меҳнатга оид ишларни кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари. Меҳнатга оид ишлар юзасидан суднинг ҳал қилув қарори. Ҳал қилув қарорини ижро этиш хусусиятлари. Меҳнатга оид етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича судга мурожаат қилиш асослари ва тартиби.

22-Мавзу. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд ФХДЁ органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни маъмурий судда кўриш

Маъмурий судларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Маъмурий судларни ташкил этилишининг аҳамияти. Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни судга тегишлилиги масалалари. Маъмурий судларни ташкил этишнинг чет эл тажрибаси. Судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишлар. Даъво тушунчаси ва унинг элементлари. Даъвонинг турлари (ижро ва эътироф этиш даъволари). Даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво кўзғатишга бўлган ҳуқуқ, уни амалга ошириш масалалари. Даъво талабларининг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларидан воз кечиш: тартиби ва оқибатлари.

23-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг чет элда яшовчи фуқароларига нисбатан фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари амалга ошириш тартиби ва шартлари

Консуллик ҳуқуқи тушунчаси, тизими ва моҳияти, Ўзбекистон Республикасида консуллик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, консуллик хизмати, консуллик округи, консуллик архиви, консуллик устави, ташқи ишлар вазирлиги, консуллик мансабдор шахси, консулликнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш юзасидан функциялари, консулликнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш юзасидан ҳаракатларни амалга ошириш тартиби, консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар, чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши, халқаро шартномалар, фуқарони рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш, хорижда вақтинча бўладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

24-Мавзу. Никоҳни расмийлаштиришда (шу жумладан чет эл фуқаролари иштирокида) Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси нормаларини қўллаш хусусиятлари

Никоҳни расмийлаштиришнинг умумий қоидалари. Хориж фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳ тузиш. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 234-моддаси Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузиш. Никоҳни хорижда расмийлаштириш. Никоҳ шартномаси ва уни тузиш. Никоҳ бекор қилиш (туғатиш).

25-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал конунчилигига киритилган охирги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда ундаги асосий янгиликларнинг мазмун-моҳияти

Ишларнинг судга тааллуқлилиги. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Фуқаролик процессининг тарафлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Далилларни таъминлаш. Суд ишларини тўхтатиб туриш. Давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар юзасидан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти.

4-Модуль. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг самарали фаолиятини таъминлаш

26-Мавзу. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ФХДЁ органларининг ўрни

Инсон ҳуқуқлари, асосий ҳуқуқ ва эркинликлар, инсон ҳуқуқларининг моҳияти ва принциплари. Инсон ҳуқуқларининг авлодлари. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шарномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизм, миллий механизм, миллий институтлар, миллий стратегия, ижтимоий ҳуқуқларни рўёбга чиқариш. ФХДЁ ходимларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни, асосий

эркинликларга амал қилиш. Давлат идораларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш.

27-Мавзу. Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари

Гендер ижтимоий жинс. Тенгликни таъминлашда гендер статистикаси. Хотин қизларни камситишнинг турлари. Гендер экспертизасига қўйиладиган талаблар. Гендер стратегиясини ишлаб чиқиш. Зўравонлик тушунчаси ва моҳияти, рухий зўравонлик, жисмоний зўравонлик. Хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш. Гендер стереотиплари гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар. Жинс бўйича билвосита камситиш, хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Ваколатли шахснинг қонун бўйича мажбуриятлари ва ҳимоя ордери.

28-Мавзу. ФХДЁ органлари фаолиятида халқаро-ҳуқуқий ёрдам

Халқаро ҳуқуқий ёрдам тушунчаси, турлари ва халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш механизмлари. Фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар. Ҳал қилув қарорларни тан олиш ва ижро қилиш. Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь.) мазмун-моҳияти.

5-Модуль. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг ташкилий ва психологик асослари

29-Мавзу. Юридик этика ва унга оид халқаро стандартлар ҳамда миллий меъёрлар

Этика, одоб-ахлоқ, юридик этика, юридик этиканинг зарурлиги, юридик этика субъектлари, одоб-ахлоқ қоидалари, манфаатлар тўқнашуви, юридик этиканинг миллий стандартлари, юридик этиканинг халқаро стандартлари, юридик этиканинг аҳамияти.

30-Мавзу. Никоҳ-оила муносабатлари психологияси

Эр-хотин муносабати ва мулоқотининг ўзига хослиги. Оила, никоҳ, homo-sapiens, эструс, севги, табу, эндогам, экзогам, гуруҳли никоҳ, индивидуал жуфт никоҳ, жуфт оила, совға айрибошлаш, моногамия, матриархат, патриархат, оила функциялари: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, бошқарув, фелицитологик, никоҳга етуклик даражалари, бошқарув жиловлари: ёш, бола, анъанавий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, жисмоний, психологик, шахслараро муносабат ва мулоқот, низо психологияси, турлари, “тескари варонка” тамойили, низолар эсколацияси.

31-Мавзу. ФХДЁ органлари ходимларининг фаолиятида мулоқот психологияси

Шахслараро муносабат ва мулоқот, мулоқот турлари, эр-хотин муносабатларининг ўзига хослиги, эр-хотин муносабатлари психологияси, мулоқот воситалари, шароитлари, зоналари, самарали мулоқот олиб бориш усуллари.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ўқув дастури малака ошириш курси бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва ҳ.к. ўтилишини назарда тутди.

Маърузаларда кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг адвокатура фаолиятидаги амалий аҳамияти очиб берилди ва мазкур ўқув курси бўйича мавзуй режада назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилди.

Семинарлар давомида тингловчилар ўқув курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга ва адвокатура фаолиятини амалга ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак. Барча семинар машғулотлари тренинг шаклида ташкил қилинади.

Амалий машғулотлар *“Юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар ва ФХДЁ фаолиятида мавжуд муаммолар”* мавзуси бўйича амалий органларда (масалан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ФХДЁ бўлими) ташкил қилинади. Амалий машғулотлар давомида тингловчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимлари фаолиятининг асосий касбий йўналишларига оид тегишли ҳаракатларни бажариш кўникмаларига эга бўлишлари лозим ва улар бўйича фикр юритиш мақсадида амалий топшириқларни (тегишли процессуал ҳужжатлар тузиш, муаммоли масалаларни ечиш ва ҳ.к.) бажарадилар. Амалий топшириқларини бажаришда тингловчилар тегишли амалдаги қонун нормаларига, амалий тажрибаси ва ўқув курси давомида олган билимларга таяниб, уларни асослаб бажаришлари керак.

